

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАСУЛОВА МУНИСА БАХТИЯР ҚИЗИ

ИНСУЛТЛАРДАГИ НУТҚ БУЗИЛИШЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА
НЕЙРОРЕАБИЛИТАЦИЯ ЧОРАЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Расулова Муниса Бахтияр кизи

Инсултлардаги нутқ бузилишларини баҳолаш
ва нейрореабилитация чораларини оптималлаштириш..... 3

Расулова Муниса Бахтияр кизи

Оценка речевых нарушений при инсультах,
оптимизация нейрореабилитационной терапии..... 21

Rasulova Munisa Bakhtiyar kizi

Assessment of speech disorders in strokes,
optimization of neurorehabilitation therapy..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 44

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАСУЛОВА МУНИСА БАХТИЯР ҚИЗИ

ИНСУЛТЛАРДАГИ НУТҚ БУЗИЛИШЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА
НЕЙРОРЕАБИЛИТАЦИЯ ЧОРАЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Tib2266 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муратов Фахмитдин Хайритдинович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Аликулова Нигора Абдукадировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Журабекова Азиза Тахировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Абу Али ибн Сино номидаги
Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___»_____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат тиббиёт университетининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99871) 150-78-28, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй; Тошкент давлат тиббиёт университетининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел.: (+99871) 214-82-90, , e-mail: info@tma.uz).

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____да тарқатилди.

(2025 йил «___» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Ж. Матмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Р.Б. Азизова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.К. Хайдарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда инсултлар аҳоли орасида энг кўп учрайдиган касалликлардан бири бўлиб, жамиятга ва инсонларнинг социал ҳаётига ижтимоий-иқтисодий зарар етказаётган муаммолардан бири ҳисобланади. Инсулт натижасида 30% беморларда нутқ бузилишлари кузатилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) илмий изланишлари натижаларига кўра «...инсултлар бутун дунё бўйлаб ўлим кўрсаткичи бўйича учинчи ўринни эгалламоқда...»¹. Касалликларни Глобал ўрганиш ташкилотининг 2021-йилдаги илмий изланишларида тасдиқланган маълумотларига кўра «...инсултлар ногиронлик кўрсаткичи бўйича учинчи ўринни эгаллайди...».² Маълумки ногиронлик даражасининг ошиб бориши ҳар бир давлат ва жамият учун энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Инсултлар натижасида нафақат ҳаракат бузилишлари балки нутқ бузилишларининг учраши ва унинг даражасини ошиб боириши, бу ҳолатларга нисбатан даволаш ва реабилитация чораларини янада жадаллаштириш кераклигини белгилайди. Нутқ бузилишларини даволаш ва тикланиш механизмларининг ўрганилганлигига доир илмий тадқиқотлар, лойиҳалар сони етарли эмас. Шунининг олган ҳолда инсултлар натижасида келиб чиққан нутқ бузилишларини даволаш чораларини янада жадаллаштириш механизмларини ўрганиш ва исботлаш ҳозирги кунда тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда бош мия қон-томир касалликлари (БМКҲК), хусусан инсултларни эрта аниқлаш, асоратларини олдини олиш, реабилитация муммоларига қаратилган илмий-тадқиқотлар амалга оширилиб келмоқда. Бу борада инсултга олиб келувчи хавф омилларини эрта аниқлаш, ўз вақтида ташхис ва даво чораларини қўллаш, реабилитация муаммоларини яхшилашга ва меҳнатга лаёқатсизлик даражасини камайтириш билан бирга ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган муаммоларни бартараф этишга қаратилган илмий изланишлар ўзига хос аҳамият касб этмоқда. Индивидуал реабилитация усуллари жорий қилиш орқали клиник натижаларни ва соғлиқни сақлаш самарадорлигини яхшилаш истиқболлари кенгаймоқда.

Мамлакатимизда барча соҳаларни ривожлантиришга эътибор кучайиб бораётган даврда, тиббиёт соҳасини ислох қилиш мамлакат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу борада тиббиёт тизимини жаҳон андозаларига мослаштириш, жумладан нерологик касалликларни эрта аниқлаш, ўз вақтида тўғри ташхис қўйиш, даволаш ва реабилитация усулларига қаратилган чоратadbирлар амалга оширилиб келмоқда. Хусусан, дастлабки ислохотларнинг бошланиши 2017-2021 йилларда “Ҳаракатлар стратегияси” нинг беш устувор

¹ Feigin VL, Brainin M, Norrving B, et al. World Stroke Organization (WSO): global stroke fact sheet 2022. Int J Stroke 2022; 17: 18–29.

² Feigin V.L., Stark B.A., Johnson K.O., Roth G.A., Bisignano S., Abadi G.G. and others (2021). The global, regional and national burden of stroke and its risk factors, 1990-2019: A systematic analysis for the 2019 Global Burden of Disease Study. Lancet Neurol.

йўналишларида, кейинчалик 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” нинг тўртинчи устувор йўналиши эллик тўққизинчи мақсадида «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...» ҳамда “Ўзбекистон-2030” стратегиясининг биринчи устувор йўналишларига оид «...Тиббиёт соҳасида рақамли технологияларни кенг жорий қилиш...» йўналишларида алоҳида вазифалар таъкидлаб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018-йил 30-августдаги ПҚ-3925-сон «Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2023-йил 28-декабр ПҚ-415-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштиришни жадаллаштириш ҳамда илғор рақамли технологияларни жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур йўналишга доир бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнги йилларда инсултлар ва уларнинг асоратларини реабилитация қилиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда инсултдан кейинги нутқ бузилишларини баҳолаш ва эрта тикланишига, реабилитация усулларини ўрганишга бўлган эътибор тобора кучаймоқда.

Ушбу тадқиқотда келтирилган маълумотларга кўра шифокорларга афазияларни тикланиши, миянинг зарарланган соҳаси ва даражасига ҳамда унинг ўзгарувчанлиги қараб реал башорат қилиш имконини берган (Wilson S. M. et al., 2023). Яна бир бошқа илмий изланишлар натижалари миянинг пластиклигига асосланган бўлиб, умумий ҳаракат ва нутқ нейрон субстратлари мавжуд бўлиб, ҳаракат соҳасининг стимуляция қилиниши, нутқ функцияларининг тикланишига ҳам олиб келган (Rojas-Sosa M. C. et al., 2023). “Афазиям нет” мобил иловасини қўллаш орқали афазияли беморларни (АБ) реабилитация қилиш, нутқ функциялари хусусиятларини аниқлашга имкон берган (Максимова К.Ю., 2021). АБда нутқнинг тикланишига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш орқали ҳар бир бемор учун индивидуал даволаш чораларини белгилаш кераклиги тасдиқлаган (Kristinsson S. et al., 2022)

Бундан ташқари, инсултдан кейинги афазияларни даволаш дастлабки тикланиш босқичида фармакология ва реабилитация қилишнинг янги

ёндашувлари ҳақида маълумот берилган (Cichon N. et al., 2021). Информацион технологиялар соҳасига доир тадқиқотларда афазияни реабилитация усуллари ўрганилиб, аммо компьютер терапиясида бўлгани каби, натижаларнинг аксарияти фақат нутқнинг маълум бир функцияларигагина таъсири текширилган (Des Roches C. A. et al., 2015., Steele R. D. et al., 2015., Stark B.C. et al., 2018., Kurland J. et al., 2014). Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Инсултдан кейинги афазияларда нутқ функцияларини текшириш, баҳолаш ва нейрореабилитация усуллари ҳақида олиб борилган тадқиқотлар етарли эмас.

Ўзбекистонда инсултлар туфайли келиб чиқадиган афазияларда, бош миёда қон айланишининг бузилиши натижасида ўнг ёки чап яримшарлари соҳасида жойлашишига қараб, нутқ бузилишларини тикланиши динамикасини боғлиқлиги қатор илмий изланишларда ўрганилган (З.Р.Ибодуллаев 2014). Б.Г.Гафуров ўз тадқиқот ишларида эркак ва аёлларда бош миёа доминант ярим шарда қон айланишининг бузилишида, инсултдан кейинги афазиянинг клиник хусусиятларини кўрсатиб ўтган. Д.К.Расулова (2022) инсултдан кейинги нутқ бузилишлари клиникасида нутқ эмболияси ва унинг даволашга қаратилган ечимларини илмий асослаган. Аммо, афазиялар оғирлик даражасини баҳолаш ва инновацион нейрореабилитация чораларини қўллаш исботланмаган.

Олиб борилган илмий изланишларда нутқни қанчалик эрта тиклашга қаратилган реабилитация усуллари қўллаш ижобий натижаларга олиб келиши тасдиқланган. Аммо, инсултдан кейинги афазияларни баҳолаш ва уларни шу баҳоланган кўрсаткичларга қараб реабилитация қилишга доир илмий тадқиқот ишлари мавжуд эмас, шу сабабли ҳам муаммони янада чуқур ва кенгроқ ўрганишни талаб этган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент Тиббиёт академияси неврология ва тиббий психология кафедраси гранти «Қон айланиш касалликларининг клиник, биокимёвий ва патогенетик муаммолари (каротид ва ёнбош артерияларининг атерокалцинози), неврологик, когнитив, урологик, остеоартикуляр асоратлар, даволаш» № FM-20230414707 доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади инсултлардаги нутқ бузилишларини баҳолаш, инсулт ўткир ва тикланиш даврида янги логопедик дастур билан нейрореабилитация самарадорлигини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

афазияли беморлар клиник-неврологик белгиларини NIHSS, нутқ ўзгаришларини логопедик шкала ёрдамида баҳолаш;

афазиялар динамикасида NIHSS ва логопедик шкалалари ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш;

афазияли беморлар нейровизуализацион кўрсаткичларини (MPT, MCKT ва КТ) нутқ бузилишлари даражаси билан боғлиқлигини таҳлил қилиш;

афазияли беморлар нутқини тиклаш учун дастур самарадорлигини SS-QOL, MMSE ва HADS шкалалари билан баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2021-2024 йиллар давомида Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси неврология ва интенсив неврология бўлимларида стационар даво олаётган 110 нафар “Цереброваскуляр касаллиги. Бош мия қон айланишининг ўткир бузилиши, ўрта мия артерияси хавзасида ишемик тип” афазияли беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларни клиник, анамнестик, неврологик, коморбид ҳолатлари, нейровизуал (МСКТ), логопедик ва клиник нейропсихологик текширувлар натижалари ташкил қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Инсулт ўткир даврида беморлар неврологик симптоматикаси оғирлик даражасини баҳолашда NIHSS (National Institute of Health Stroke Scale) шкаласи, инсультдан кейинги нутқ бузилиши-афазияни баҳолашда логопедик шкаладан, нейровизуализация усуллари (бош мия МСКТси ёки МРТси), инсультдан кейинги когнитив дефицитни клиник нейропсихологик текширувлардан-MMSE шкаласи, инсультдан кейинги асоратлар туфайли ҳаёт сифати бузилишини - SS QOL шкаласи, ҳавотир ва депрессия даражасини HADS шкаласи ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инсулт ўткир даврида афазияли беморлар неврологик ҳолати даражаси NIHSS шкаласи ва нутқ бузилишларини баҳоловчи логопедик шкала ўртасида инсульт оғирлашган сари нутқ функцияси ҳам ёмонлашгани сабабли яққол, кучли тесқари корреляцион боғлиқлик аниқланган;

инсулт ўткир даврида афазияли беморлар нутқ бузилишлари динамикасида фонематик тизим семантик тизимга нисбатан эртароқ зарарланиши сабабли литерал парафазия вербал парафазияга нисбатан кўпроқ, инсулт тикланиш даврида эса вербал парафазия кўпроқ учраши исботланган;

махсус логореабилитация усули инсультдан кейинги беморларда нутқини тиклашда статистик жиҳатдан ишончли ижобий таъсир кўрсатиб, юқори терапевтик самара оғир мотор афазия билан кечаётган беморларда аниқланган;

махсус логореабилитация усулидан фойдаланган беморлар гуруҳида SSQOL, MMSE ва HADS шкаласи кўрсаткичлари динамикаси статистик жиҳатдан ишончлироқ бўлиб, инсультдан кейин афазияли беморларни эрта ва тикланиш реабилитациясида ушбу усулни қўллаш клиник жиҳатдан самарали эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инсультдан кейинги афазияли беморлар нутқ бузилишларини ёзув функцияси қўшилиб такомиллашган логопедик шкала объектив баҳолаш имконини бериб, бемор нутқи зарарланиш оғирлигини прогнозлашда тавсия қилинган;

инсулт афазияли беморлар нутқи реабилитацияси учун реанимация ва уй шароитида қўллаш учун ўзбек тилида “ЛОГОС” дастури ишлаб чиқилган;

инсултли беморлар нутқ бузилишларини тиклаш учун таклиф қилинаётган ўзбек тилидаги “ЛОГОС” дастуридан фойдаланиш самарали бўлиб, беморлар нутқи яхшиланиб депрессия ва хавотир даражаси пасайиб, ҳаёт сифати эса яхшиланган;

афазияларда эрта реабилитация хизмати кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш учун NIHSS, логопедик шкала, MMSE, SSQOL ва HADS шкаласи кўрсаткичлари ёритилган реабилитация – алгоритм тактикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг ҳар бири кейингиларини тўлдирадиган клиник, неврологик, ва статистик тадқиқот усуллар асосида инсултлардаги нутқ бузилишларини баҳолашда ҳамда нейрореабилитация чораларини такомиллаштиришнинг ўзига хослиги, хорижий ҳамда республика тадқиқотлар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инсулт ўткир даврида афазияли беморлар неврологик ҳолат даражаси NIHSS шкаласи ва нутқ бузилишларини баҳоловчи логопедик шкала ўртасида илмий жиҳатдан тескари корреляцион боғлиқ асосланганлигида, инсулт ўткир даврида литерал парафазия вербал парафазияга нисбатан, инсулт тикланиш даврида эса вербал парафазия кўпроқ учраши илмий исботланганида; ўзбек тилида яратилган “ЛОГОС” дастурини инсултдан кейинги беморлар нутқини тиклаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти инсулт афазияли беморлар нутқи реабилитацияси учун реанимация ва уй шароитида қўллаш учун ўзбек тилидаги янги “ЛОГОС” дастури яратилиб, инсултдан зарарланган бош миyani нутқсиз ишлаш режимига ўтиб, беморларда юзага келиши мумкин бўлган инсултдан кейинги деменция ҳолатларини камайтиришида, афазияларда эрта реабилитация хизмати кўрсатишда NIHSS, логопедик шкала, MMSE, SSQOL ва HADS шкаласи кўрсаткичлари ёрдамида реабилитация алгоритм тактикаси ишлаб чиқилганида; афазия туфайли беморлар ногиронлик суръати камайтиб ҳаёт сифатини яхшиланиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш. Инсултлардаги нутқ бузилишларини баҳолаш ва нейрореабилитация чораларини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: инсулт ўткир даврида афазияли беморлар неврологик ҳолати даражаси NIHSS шкаласи ва нутқ бузилишларини баҳоловчи логопедик шкала ўртасида инсульт оғирлашган сари нутқ функцияси ҳам ёмонлашгани сабабли яққол, кучли тескари корреляцион боғлиқлик аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент Тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 26 май №03-

23/20t-сон маълумотномаси билан тасдиқланган «Афазияли беморлар нутқини тиклашда янги “ЛОГОС” мобил иловасини қўллаш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси бўйича 02.05.2024 йилдаги 96 АҒ-сон ҳамда Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича 03.05.2024 йилдаги 37-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 17-июльдаги 22/14-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* таклиф этилаётган усулда инсультдан кейинги афазияли беморлар нутқ бузилишларини (логопедик шкала) ва неврологик ҳолат даражаси NIHSS шкаласи билан бирга қўлланилиши бемор нутқи зарарланиш оғирлигини прогнозлашга, ёзув функцияси қўшилиб такомиллашган логопедик шкала эса бемор нутқи зарарланиш оғирлигини объектив баҳолаш имконини беради. Яъни инсультдан кейинги афазияларда нутқ реабилитацияси қанча эрта бошланса, бош мия нутқсиз ишлаш режимига ўтмай, беморлар когнитив кўрсаткичлари яхшиланади. *Иқтисодий самарадорлик:* афазияли беморлар нутқини тиклашда логопед машғулотлари қатновининг камайиши туфайли 665500сум сум усул қўлланилганда бир бемор учун иқтисодий самара ҳисобланади. *Хулоса:* афазияли беморлар нутқ бузилишлари (логопедик шкала) ва неврологик ҳолат даражаси –NIHSS шкаласи билан бирга қўлланилиши лозим;

иккинчи илмий янгилик: инсульт ўткир даврида афазияли беморлар нутқ бузилишлари динамикасида фонематик тизим семантик тизимга нисбатан эртароқ зарарланиши сабабли литерал парафазия вербал парафазияга нисбатан кўпроқ, инсульт тикланиш даврида эса вербал парафазия кўпроқ учраши исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент Тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 26 май №03-23/20t-сон маълумотномаси билан тасдиқланган «Афазияли беморлар нутқини тиклашда янги “ЛОГОС” мобил иловасини қўллаш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси бўйича 02.05.2024 йилдаги 96АҒ-сон ҳамда Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича 03.05.2024 йилдаги 37-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 17-июльдаги 22/14-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* инсультдан кейинги нутқ бузилишлари афазияни тикланиш этапларида динамикада литерал ва вербал афазияга, оғир ҳолатларда эса персерверацияларга ўтишини билиш, беморларда нутқ терапиясини эртароқ бошлашга ундап, беморлар когнитив ҳолатларини, инсультдан кейинги ҳавотир ва депрессия даражасини камайтиради. *иқтисодий самарадорлик:* Афазияли беморлар нутқини тиклашда логопед машғулотлари қатновининг камайиши туфайли 665500сум сум усул қўлланилганда бир бемор учун иқтисодий самара ҳисобланади. *Хулоса:* инсультдан кейинги нутқ бузилишларида афазия оғир ҳолатлардан персерверацияга ўтмаслиги учун,

афазияли беморлар нутқ терапиясини эрта бошлаш керак. Бу эса беморлар когнитив ҳолатларини сақлашга ёрдам беради;

учинчи илмий янгилик: махсус логореабилитация усули инсультдан кейинги беморларда нутқини тиклашда статистик жиҳатдан ишончли ижобий таъсир кўрсатиб, юқори терапевтик самара оғир мотор афазия билан кечаётган беморларда аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент Тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 26 май №03-23/20t-сон маълумотномаси билан тасдиқланган «Афазияли беморлар нутқини тиклашда янги “ЛОГОС” мобил иловасини қўллаш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси бўйича 02.05.2024 йилдаги 96 АҒ-сон ҳамда Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича 03.05.2024 йилдаги 37-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 17-июльдаги 22/14-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* инсульт афазияли беморлар нутқи реабилитацияси учун реанимация ва уй шароитида қўллаш учун ўзбек тилидаги янги “ЛОГОС” дастури беморларда юзага келиши мумкин бўлган инсультдан кейинги деменция ҳолатлари ва ногиронлик даражаси камайиб ҳаёт сифатини яхшиланиши билан изоҳланади. *Иқтисодий самарадорлик:* Афазияли беморлар нутқини тиклашда логопед машғулотлари қатновининг камайиши туфайли 665500сум сум усул қўлланилганда бир бемор учун иқтисодий самара ҳисобланади. *Хулоса:* афазияли беморлар нутқи реабилитацияси “ЛОГОС” дастуридан фойдаланиб эрта бошланиши керак;

тўртинчи илмий янгилик: махсус логореабилитация усулидан фойдаланган беморлар гуруҳида SSQOL, MMSE ва HADS шкаласи кўрсаткичлари динамикаси статистик жиҳатдан ишончлироқ бўлиб, инсультдан кейин афазияли беморларни эрта ва тикланиш реабилитациясида ушбу усулни қўллаш клиник жиҳатдан самарали эканлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент Тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 26 май №03-23/20t-сон маълумотномаси билан тасдиқланган «Афазияли беморлар нутқини тиклашда янги “ЛОГОС” мобил иловасини қўллаш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси бўйича 02.05.2024 йилдаги 96АҒ-сон ҳамда Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича 03.05.2024 йилдаги 37-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 17-июльдаги 22/14-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* инсультдан кейинги афазиялар эрта реабилитациясида NIHSS, логопедик шкала, MMSE, SSQOL ва HADS шкаласи кўрсаткичлари ёрдамида алгоритм тактикаси беморлар ногиронлик суръатини камайтириб ҳаёт сифатини яхшиланиши билан изоҳланади. *Иқтисодий самарадорлик:* афазияли беморлар нутқини тиклашда логопед машғулотлари қатновининг камайиши туфайли 665500сум сум усул қўлланилганда бир бемор учун иқтисодий

самара ҳисобланади. *Хулоса:* инсультдан кейинги афазияли беморлар нутқ реабилитацияси “ЛОГОС” дастуридан фойдаланиб эрта бошланса, беморлар ҳаёт сифати, когнитив ҳолат, ҳавотир ва депрессия даражалари камаяди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та хорижий ва 3 та маҳаллий илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 102 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми тадқиқотнинг долзарблиги, мақсади ва вазифаларини асослаб, ўрганиш объекти ва мавзусини тавсифлайди. Бу қисмда тадқиқотни республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларни илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Ҳамда ушбу бобда тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, нашр этилган ишлар ва тадқиқот ишининг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи «**Афазиялар этиологияси, патогенези ва клиник кўринишига замонавий ёндашувлар**» адабиётлар шарҳи бобида афазиялар эпидемиологияси, этиопатогенези клиникаси, афазиялар тикланишига таъсир қилувчи омиллар ҳамда уларнинг патогенетик механизмлари аҳамияти хорижий илмий манбаларга асосланиб тадқиқотнинг зарурлигини асослаб берган. Ушбу бобда шунингдек, инсультдан кейинги афазияларни, реабилитация қилишда замонавий ёндашувлар муҳокама қилиниб, жиддий илмий хулосалар ва тавсиялар берилган. Ўрганилаётган муаммо бўйича адабиёт маълумотлари батафсил кўриб чиқилиб, тадқиқод талаб қиладиган бир қатор масалалар аниқлаштирилган, ишнинг долзарблиги ва танланган мавзунини янада ўрганиш зарурлиги асослаб берилган.

Диссертациянинг иккинчи «**Клиник материал ва тадқиқот усуллари**нинг умумий тавсифи» бобида тадқиқотнинг объекти, предмети ва усуллари батафсил ёритилган. Инсульт ўткир ва тикланиш давларида беморларнинг клиник-неврологик ҳолатлари характеристикаси, беморларни баҳолашда фойдаланилган неврологик шкалалар (NIHSS, логопедик шкала, MMSE, SS QOL, HADS шкаласи), нейровизуализация (MCKT ва MPT)

кўрсаткичлари характеристикаси, “ЛОГОС” дастури ва маълумотлар статистик таҳлил усуллари тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига тўла мос ҳолда келтирилган.

Тадқиқотлар 2021-2024 йиллар давомида Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси интенсив неврология ва неврология бўлимларида стационар шароитда даволанган 110 нафар “Цереброваскуляр касаллиги. Бош мия қон айланишининг ўткир бузилиши, ўрта мия артерияси хавзасида ишемик тип” афазияли беморларни клиник таҳлиliga асосланган. Trial of Org in Acute Stroke Treatment (TOAST) классификацияси бўйича таҳлил қилганда атеротромботик подтип энг кўп 104 (94,5%) беморда учраган. Кардиоэмболик 6 (5,45%) подтипли инсультлар кузатилиб, бу натижалар инсульт профилактикасида асосий эътиборни атеротромботик турдаги хавф омилларини башорат қилиб коррекция қилишга қаратилган чоратадбирларни кучайтириши зарурлигини кўрсатган.

Афазияни тадқиқ қилишда барча беморлар 2 гуруҳга ажратилган: 1-гуруҳга инсульт ўткир давридаги 65та афазияли бемор, 2-гуруҳга эса инсульт тикланиш давридаги 45 та беморлар киритилган. Ушбу гуруҳлар ёши, жинси ва маълумоти бўйича таҳлил қилинганда, беморлар ўртача ёши 64,5 ёш бўлган, шунда аёллар- 37-33,6% ни, эркеклар эса 73-66,4 % ни ҳосил қилиб, аёллар эркекларга 1/3 нисбатда бўлишган. Беморларни олий ёки ўрта маълумотли бўлишганлиги таҳлил қилинганда уни аҳамияти кузатилмаган. Тадқиқотда инсультдан кейинги афазияни тиклаш учун биринчи маротаба ўзбек тилида “ЛОГОС” дастуридан фойдаланилган бўлиб, 1 ва 2 гуруҳ беморларини дастурдан фойдаланган ва фойдаланмаганлиги бўйича 1а ва 1б, ва 2а ва 2б гуруҳларига ҳам бўлинган.

Диссертациянинг учинчи «**Афазиялар ўткир ва тикланиш даврларида беморлар клиник-анамнестик клиник-неврологик, логопедик ва нейровизуализация кўрсаткичлари таҳлили**» бобида инсульт ўткир даврида беморларнинг клиник-анамнестик, неврологик ҳолати NIHSS шкаласи кўрсаткичлари, афазияли беморлар билан логопед машғулотлари, афазияли беморлар нутқи логопедик шкала кўрсаткичлари, NIHSS ва логопедик шкалалари ўртасидаги боғлиқлик ва беморлар нейровизуализациясини чуқур таҳлили келтирилган. Тадқиқотдаги 1 гуруҳ афазияли беморларда гипертония касаллиги 98,5% да , атеросклероз 87,7 % да, юрак ишемик касаллиги 24,6% да, қандли диабет 18,5% да ва сурункали юрак етишмовчилиги 15,4% да асосий коморбид фон бўлган. Барча беморлар клиникага мия фожиасига хос: тўсатдан қўл-оёқдаги ҳаракат чекланиши ёки қўл-оёқ увишиши, нутқ бузилиши, умумий ҳолсизлик, бош оғриғи, бош айланиши каби шикоятлари билан мурожаат қилишган. Афазия-нафақат ўз фикрини оғзаки нутқда равон гапира олиш қобилиятини йўқотиш, балки ўқиш, ёзиш ва ўз нутқини тушунтира олишни ҳам бузилишидир. Тўсатдан нутқ бузилиши афазия барча гуруҳ беморларида кузатилиб, қўл ва оёқлардаги ҳаракат бузилишлари эса енгил, ўрта ва оғир гемипарез шаклида бўлган. Тадқиқотда неврологик симптоматика оғирлик даражаси NIHSS шкаласида баҳоланиб, бемор неврологик статусида фалаж даражаси оғир

бўлса, масалан 0-1балл кўл ёки оёқда, афазия даражаси тотал-оғир бўлса беморлар 3 баллга баҳоланган. Бу ҳолат беморлар NIHSS балларини ошириб, неврологик ҳолат жиддийлигидан далолат берган.

1-жадвал

Тадқиқотдаги беморлар клиник неврологик статусини NIHSS шкаласи бўйича кўрсаткичлари

Гуруҳлар	5-7 енгил		8-9 ўрта		10<	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
1а гуруҳ, n=38	22	57,9	3	7,9	13	34,2
1 б гуруҳ, n=27	14	51,9	6	22,2	7	25,9
χ^2 ; P _{1а-1б}	0,23; >0,05		2,72; >0,05		0,51; >0,05	
2а гуруҳ, n=25	10	40,0	4	16,0	11	44,0
χ^2 ; P _{1а-2а}	1,93; >0,05		1,0; >0,05		0,61; >0,05	
χ^2 ; P _{1б-2а}	0,73; >0,05		0,32; >0,05		1,87; >0,05	
2б гуруҳ, n=20	7	35,0	4	20,0	9	45,0
χ^2 ; P _{1а-2б}	2,75; >0,05		1,81; >0,05		0,65; >0,05	
χ^2 ; P _{1б-2б}	1,32; >0,05		0,03; >0,05		1,86; >0,05	
χ^2 ; P _{2а-2б}	0,12; >0,05		0,12; >0,05		0; >0,05	

Тадқиқотдаги беморлар клиник неврологик статусини NIHSS шкаласи бўйича кўрсаткичлари таҳлил қилинганда, (1-жадвал) 1а гуруҳда 38 та бемордан 22 нафарида (57,9%) инсульт енгил, 13 нафарида эса (34,2%) оғир кечганлиги қайд қилинган. NIHSS шкаласининг баллар кесимига эътибор берилганда, 5-7 балл (енгил инсульт): 2а ва 2б гуруҳларда ўртача баллар 1а гуруҳга нисбатан паст бўлиб, бу статистик ишончли фарқ ҳисобланган.

Тадқиқотда афазияли беморлар нутқ бузилишларини объектив, баҳолаш учун янги модификацияланган логопедик шкаладан фойдаланилган. Ҳар бир берилган нутқ кўрсаткичлари максимал 3 дан 0 баллгача баҳоланиб, жами йиғилган баллар нутқ равонлигини, пасайиб бориши эса нутқда муаммолар борлигидан далолат берган.

2-жадвал

Тадқиқотдаги афазияли беморлар нутқини логопедик шкала гуруҳларда кўрсаткичлари % ларда

Гуруҳлар		Енгил 34-29	Ўрта 28- 21	χ^2	Оғир 20 <	χ^2	χ^2
				Р _{енгил-ўрта}		Р _{енгил-оғир}	Р _{ўрта -оғир}
1а гуруҳ, n=38	абс.	23	14	4,27	1	29,5	14,04
	%	60,5	36,8	<0,05	2,6	<0,01	<0,01
1б гуруҳ, n=27	абс.	20	5	16,76	2	24,85	1,48
	%	74,1	18,5	<0,01	7,4	<0,01	>0,05
2а гуруҳ, n=25	абс.	16	8	5,1	1	20,05	6,64
	%	64,0	32,0	<0,05	4,0	<0,01	<0,01
2б гуруҳ, n=20	абс.	14	5	8,12	1	18,03	3,14
	%	70,0	25,0	<0,01	5,0	<0,01	>0,05

Тадқиқотдаги афазияли беморлар нутқини (2-жадвал) логопедик шкала бўйича кўрсаткичларини таҳлили 1а гуруҳида нутқ функцияси яхшироқ , 2а

ва 26 гуруҳларида эса нутқ функциясининг оғирроқ бузилишлари кўпроқ учрагани қайд этилган. Келтирилган 2-жадвалда логопедик шкала кўрсаткичлари 1а гуруҳида нутқ бузилишининг енгил даражасидаги беморлар улуши — 60,5 %, ўрта даража — 36,8 %, оғир даража — 2,6 % бўлган. χ^2 натижалари шундан далолат берадики: енгил ва ўрта даражалар орасидаги фарқ аҳамиятли ($p<0,05$); енгил ва оғир даражалардаги фарқ жуда катта ($p<0,01$); ўрта ва оғир даражаларда ҳам аҳамиятли фарқ бор ($p<0,01$) эканлиги тасдиқланган. Қолган барча устунлар бўйича гуруҳлар орасида статистик фарқ аҳамиятли эканлиги аниқланган. Фақат 1б ва 2б гуруҳларида ўрта ва оғир даражаларда қарқни аҳамиятли эмаслигини кўрсатган.

Шундай қилиб, тадқиқотдаги афазияли беморлар нутқини логопедик шкала бўйича кўрсаткичларининг таҳлили инсулт ўткир даврида 1-гуруҳдаги нутқ функциялари, тикланиш давридаги (2 гуруҳ) га нисбатан яхшироқ бўлганини кўрсатган.

Тадқиқот NIHSS ва логопедик шкала кўрсаткичлари ўртасида ўзаро тескари боғлиқликни аниқлаб, яъни инсулт даражаси оғирлашгани сари нутқ функциясини ҳам оғирлашганини кўрсатган. Ушбу кўрсаткичлар ўртасида яққол, кучли тескари боғлиқлик (корреляция) $p<0.01$ мавжуд бўлиб: NIHSS балли қанча катта бўлса (оғир инсульт), логопедик шкала балли ҳам шунча паст (нутқ функцияси ёмон), классик тескари корреляция белгиси-яъни инсулт оғирлашгани сари нутқ қийинлашганини англатган. Бу икки шкала ўртасидаги боғлиқликка бемор афазияси реабилитация стратегияси ҳам асосланиб, оғир неврологик дефицити (юқори NIHSS балли) бўлган беморларга логопедик хизматларни вақтида ва тўлиқ ташкил қилинишини талаб этган. (3-жадвал)

3-жадвал

Тадқиқотдаги NIHSS ва логопедик шкала кўрсаткичлари орасидаги боғлиқлик

		5-7 \ 35-29	8-9 \ 28-21	10< 20>
1а гуруҳ, n=38	NIHSS	6,36±0,18	8,3±0,15	12,3±0,74
	Logopedik shk	30,8±0,37	24,9±0,53	20,0±0,0
1б гуруҳ, n=27	NIHSS	6,07±0,25	8,3±0,21	12,4±0,81
	Logopedik	31,2±0,35	25,8±1,1	17,5±2,5*
2а гуруҳ, n=25	NIHSS	5,8±0,20*	8,25±0,25	11,5±0,79
	Logopedik	32,3±0,54	27,1±0,74	20,0±0,0^
2б гуруҳ, n=20	NIHSS	5,7±0,18*	8,0±0,25	11,5±0,35
	Logopedik	32,4±0,55	26,8±0,80	20,0±0,0^

Изоҳ: * - 1а гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (*- $P<0,05$)

^ - 1б гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (^- $P<0,05$)

3-жадвал маълумотлари асосида NIHSS (инсулт оғирлиги) ва логопедик (нутқ функцияси) кўрсаткичлари орасидаги боғлиқлик қуйидаги асосий тенденцияларни кўрсатган: NIHSS балли ошгани сари (енгил → оғир)

логопедик балл пасайган, яъни нутқ функцияси ёмонлашган (баллар камайган). Масалан, 1а гуруҳда: енгил (NIHSS 6,36 / Логопедик 30,8); неврологик статуси оғирлашганда (NIHSS 12,3 / Логопедик шкала кўрсаткичлари -20,0).

Беморлардаги ҳаракат соҳасини зарарланиш даражаси билан, нутқ бузилиши ўртасидаги маълум корреляция ва нутқ тикланишининг ёмонроқ бўлиши нафақат мия инфарктининг ўлчами билан балки, ички капсуланинг орқа сонига яқин бўлган чуқур тузилмаларни зарарланиши билан боғлиқ бўлган. Бундай маълумотлар МСКТ натижаларига асосланиб, мия инфарктини ҳажми ва нутқ учун функционал аҳамиятли ўчоқни жойлашувига боғлиқлиги исботланган.

Диссертациянинг тўртинчи «Афазиялар реабилитациясида “ЛОГОС” дастурининг самарадорлиги ва афазияли беморлар реабилитация алгоритмини ишлаб чиқиш» бобида инсулт тикланиш даврида афазиялар (парафазия ва персерверация) динамикаси, “ЛОГОС” дастуридан фойдаланган ва фойдаланмаган гуруҳ беморларида логопедик шкала, MMSE, ҳаёт сифатини SS-QOL ва HADS шкаласи кўрсаткичлари, “ЛОГОС” дастурининг самарадорлиги ва нутқ реабилитацияси алгоритми ёритилган. Тадқиқотдаги беморларда инсултдан кейинги афазияни тикланиш этапларида литерал ва вербал афазияга, оғир ҳолатларда эса персерверацияларга ўтиши кузатилган.

4-жадвал


Афазияли беморлар нутқини тикланиш давридаги динамикаси кўрсаткичлари

	1 группа n=65		2 группа n=45		χ^2	P
	абс	%	абс	%		
Литерал парафазия	45	69,2	12	26,7	19,3	<0,01
Вербал парафазия	20	30,8	26	57,8	7,97	<0,01
Персерверация	-	-	7	15,6	-	-

Изоҳ: *- 1 ва 2- гуруҳ кўрсаткичларга нисбатан фарқланиш ишончли (*-p<0,01)

Келтирилган 4-жадвалдан кўриниб турибдики, инсулт ўткир даврида литерал парафазия (фонематик хатолар):1-гуруҳда(а,б) (n=65)да энг кўп учраган 45 та беморда (69,2%), 2-гуруҳда(а,б) эса 12 бемор (26,7%)да учраган ($\chi^2=19,3$; p<0,01), яъни инсулт ўткир даврида 1-гуруҳ беморларида литерал парафазия инсулт тикланиш давридаги 2-гуруҳга нисбатан сезиларли ишончли фарқ билан юқори бўлган. Инсулт тикланиш даврида 2-гуруҳда вербал парафазия кўпроқ учраб, (26 та беморда 57,8%), бу нутқни тикланиш жараёнида ижобий динамика борлигини ($\chi^2=7,97$; p<0,01), яъни тикланиш давомида фонематик хатолар сони камайиб борганидан далолат берган. Персерверация фақат 2-гуруҳ беморларида кузатилиб, ҳар иккала парафазия турлари ва персерверацияга доир χ^2 ва p аҳамият даражалари фарқлар статистик жиҳатдан ишончли эканлиги тасдиқланган (p<0,01).

